# Мавзу:

**ТУРЛИ ТЕХНОЛОГИК ЖАРАЁНЛАРНИ БАЖАРИШДА, МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРНИ, ТЕХНИК ҚУРИЛМА ВА УСКУНАЛАРНИ ИШЛАТИШДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ТАЛАБ ВА ҚОИДАЛАРИ**

# Режа:

1. Турли технологик жараёнларни бажаришда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш талаб ва қоидалари.
2. Машина ва механизмларни, техник қурилма ва ускуналарни ишлатишда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш талаб ва қоидалари.
3. Хусусий ва давлат тураржойлари ва бошқа биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш

# Ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш

- Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ташкилотларнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятининг таркибий қисмидир.
- Ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир талаблар мансаб йўриқномаларида ва бошқа йўриқномаларда, зарур ҳолларда эса тегишли шартномаларда акс эттирилиши керак.
- Ташкилотларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, агар тегишли шартномада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, мазкур ташкилотларнинг раҳбарлари ва улар ваколат берган шахслар зиммасига юклатилади.
- Ёнғин хавфсизлигини таъминлашга доир вазифаларнинг ваколатли шахслар зиммасига юклатилиши раҳбарларнинг зиммасидан масъулиятни соқит қилмайди.

- Хусусий ва давлат уй-жой фондларининг туражойлари ва бошқа биноларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, агар бу мулкий ижара (аренда) шартномасида кўрсатилган бўлса, мулкдорлар ёки ижарага (арендага) олувчилар зиммасига юклатилади.
- Аҳоли пунктларини ривожлантириш ва уларда иморат қуришни режалаштириш, бинолар ва иншоотларни лойиҳалаштириш, қуриш, кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш чоғида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тегишинча шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи, буюртмачилар, иморат қурувчилар, лойиҳа ва қурилиш ташкилотлари зиммасига юклатилади.

- Ташкилотлар, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар учун ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда, шу жумладан улар лойиҳалаштирилаётганда ёнғинлар чоғида одамларнинг эвакуация қилинишини ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулки сақлаб қолинишини таъминловчи ечимлар назарда тутилиши керак.
- Аҳоли пунктлари ва бошқа ҳудудлар учун ёнғин хавфсизлиги чора-тадбирлари тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқилади ҳамда амалга оширилади.

# Назорат саволлари

1.Ёнғин нима?

2.Ёнғин хавфсизлиги нима?

3.Ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун қачон қабул қилинган?

4.Ёнғин назорати  нима?

5.Ёнғинлар профилактикаси нима?

6.Ёнғиндан сақлаш хизмати нима?

7.Технологик жараёнларни бажаришда қанақа ёнғин хавфсизлиги талаблари қўйилади?

8. Машина ва механизмларни ишлатишда қанақа ёнғин хавфсизлиги талаблари қўйилади?

9. Техник қурилма ва ускуналарни ишлатишда қанақа ёнғин хавфсизлиги талаблари қўйилади?

10.Хусусий ва давлат тураржойлари ва бошқа биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш.